



INTERACTION OF GOVERNMENT AGENCIES WITH CIVIL SOCIETY INSTITUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF INTERETHNIC RELATIONS

A.A. Insopov

PhD.

*National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: interethnic relations, government agencies, civil society institutions

Abstract: This article addresses the issue of cooperation between government agencies and civil society institutions in the development of interethnic relations.

Received: 14.06.22

Accepted: 16.06.22

Published: 18.06.22

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

A.A. Инсопов

PhD.

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: миллатлараро муносабатлар, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари

Аннотация: Ушбу мақолада миллатлараро муносабатларни ривожлантириш соҳасида давлат органларини фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги масаласи очиб берилган.

ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ С ИНСТИТУТАМИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В РАЗВИТИИ МЕЖНАЦИОНАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ

A.A. Инсопов

PhD.

*Национальный Университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: межэтнические отношения, государственные органы, институты гражданского общества

Аннотация: В данной статье рассматривается вопрос о сотрудничестве государственных органов и институтов гражданского общества в развитии межэтнических отношений.

КИРИШ

Бугунги кунда жаммиятда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар шиддат билан ривожланаётган шароитда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш энг долзарб вазифалар қаторида туради. Чунки бугун миллатларнинг ўзлигини англаш жараёни глобаллашувнинг ўтказётган таъсири натижасида ҳар қачонгига қараганда ҳам тез ривожланмоқда. Ўзининг номи билан аталувчи давлатлардан йироқда яшаётган миллат ва элатлар вакиллари энг замонавий ахборот воситалари ёрдамида ўз миллатдошлари, уларнинг турмуш тарзи, тараққиёт даражаси ва муаммолари ҳақида бир зумда зарур маълумот олиш имкониятига эгадирлар. Айни чоғда айрим сиёсатчилар, энгил обрў орттиришга ҳаракат қилаётган “миллатпарвар”ларнинг “поймол этилган” миллатдошлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чақириклари ана шу замонавий ахборот воситаларида тарқатилиши ҳам кўп миллатли давлатларда миллатлараро муносабатларнинг барқарор ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш асосий мақсад этиб белгилаб олинган. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро ҳамжиҳатлик ҳамда уларни қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратиб бермоқда. Энг муҳими, жамиятда турли миллатлар манфаатлари мувозанатини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари таъсирчан куч сифатида шаклланмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Ҳар қандай демократик жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тизимида турли-туман нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритади. Улар фуқароларни турли тоифаларини ўзида бирлаштириб, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаган ҳолда,

уларни ижтимоий-сиёсий, илмий маданий, спорт-соғломлаштириш, касбий ва бошқа кизиқишлари бўйича муайян манфаатларини қаноатлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси ва](#) қонунлари тақдим этган тенг ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланаган ҳолда жамиятнинг турли тармоқларида ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда меҳнат қилиб, Республиканинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Айнан мустақилликнинг илк йилларида миллатлараро муносабатларни таъминлашда давлат сиёсати амалга оширилиши белгиланаган бўлиб, миллий маъданий марказлар фаолиятининг йўлга қўйилиши бунинг яққол исботи ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида бу соҳада кўплаб илмий ва амалий ишлар амалга ошириб келинди. Мустақиллик йилларида миллий маданий марказларнинг 120 дан ортиқ фаоли давлат мунҳофотларига сазавор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди, жумладан, 14 нафарига “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак унвони берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши ҳам бу соҳада давлат сиёсатининг ўзига ҳослигини яққол намён этганлигини кўриш мумкин. Ушбу қонун нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат сектори – маъмурий бошқарув идоралари билан мустаҳкам ва изчил алоқасини таъминлаб, ўзаро амалий ёрдам алмашувни таъминлайди. Шу билан бир қаторда ушбу қонунда миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлашга алоҳида эътибор қаратилди ва ижтимоий шерикликнинг асосий соҳалари сифатида белгилаб қўйилди.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида” қонуннинг қабул қилиниши аввало, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар соҳалар қаторида миллатлараро муносабатларни таъминлашда давлат идоралари билан бирга фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутди. Яъни жамият ҳаётининг турли йўналишларида истиқболли дастурларни, лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган муқобил усуллар ҳукумат, давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларининг бу борадаги ишлари билан бир қаторда ҳаётга татбиқ этиш учун қабул қилинади.

Эътиборлиси, “сўнгги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири-жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш,

хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди”.

Бу борада Республика байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг негизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 май 2017 йилдаги ПФ-5046-сон Фармони муҳим қадамлардан бири бўлди.

Бундан ташқари, миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ва янада такомиллаштириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”да бу масала устувор тамойиллардан бири сифатида белгилаб олинди.

Юқорида келтириб ўтилган қонун ҳужжатлари асосида Республикада миллатлараро тотувликни таъминлаш, дўстлик алоқаларини ривожлантиришда давлат сиёсатини асосий устувор йўналишлари этиб қўйидагилар:

- миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан, шу жумладан оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш;

- миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш, республикамизда яшаб турган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун қўшимча ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

- жамиятда кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини, республикамизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик;

- миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва хориждаги ўзбек диаспоралари

билан яқин ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш;

- Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги устувор мақсадларни, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳисобланади.

Шунга асосан давлат сиёсатини амалга оширилишида фуқаролик жамияти институтларини ўрни ва вазифаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бунда энг долзарб масалалардан бири сифатида миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ошириш алоҳида муҳим вазифа сифатида қайд этиб ўтилди.

Республикада фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларида миллий анъаналар ва кадриятларга жиддий эътибор қаратиш, уларни умумбашарий демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш натижасида барча соҳадаги ислохотларнинг миллий манфаатлар билан мос келиши таъминланди. Ижтимоий шериклик жамиятда сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларнинг ҳамжиҳатлиги, турли миллат, ирқ ва дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳитида жамият тинч-тотувлик ва барқарорлик асосида шаклланади, ривожланади. Шу орқали жамият аъзолари ўртасида ўзаро муносабатлар қарор топиб, кишиларда муносиб ҳаёт кечириш учун тенг имкониятлар пайдо бўлади.

Албатта, ижтимоий ҳамкорлик фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим талаби. Бугун юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат фондлари, эркин оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада барча зарур ҳуқуқий асослар яратилди, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари ишлаб чиқилди. Шундай қилиб, давлат халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ижтимоий-ислохотларнинг асосий ташаббускори ва кафолатчиси сифатида фуқаролик жамияти институтларини миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлигини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари ижтимоий шерикчилиги масаласига асосий эътиборни қаратмоқда. Кўплаб фондлар ва бошқа ташкилотлар қатори “Маҳалла”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” каби хайрия жамғармалари қаторида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар «Олима» уюшмаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар томонидан жамиятга молик ишлар амалга оширилди.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароит яратмоқда, шу билан бирга миллатлараро муносабатларда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

ННТ тузилмалари ривожини жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашда айтиш мумкин. Зотан, жамиятда “учинчи сектор” вакиллари нуфузи ошиб борар экан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш воситасига айланади, кўп асрлик маънавий-ахлоқий кадриятлар, динлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 май 2017 йилдаги ПФ-5046-сон Фармони.

2. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент., ЎРҚ-376-сон. // Халқ сўзи, 26 сентябрь 2014 йил.

3. “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сонли Фармони.

4. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-49-47-сонли Фармони.

5. Insopov, A. A. (2016). LEGAL REGULATION QUOTIENT NONPROFIT ORGANIZATION IN UZBEKISTAN. *Theoretical & Applied Science*, (7), 103-106.

6. Инсопов, А. А. (2014). Развитие негосударственных некоммерческих организаций в Узбекистане-важный фактор становления гражданского и правового государства. *Вестник развития науки и образования*, (1), 116-120.

7. Инсопов, А. А. (2014). Взаимодействие негосударственных некоммерческих организаций с органами власти в сфере государственной социальной политики. *Вестник развития науки и образования*, (6), 4-8.

8. Инсопов, А. А. Development quotient nonprofit organization Uzbekistan on example of the Associations scientist woman's «Olima» Insopov A. Развитие негосударственных некоммерческих организаций Узбекистана на примере Ассоциации ученых женщин «Олима». *PROBLEMS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION*, 34.

9. Инсопов, А. А. (2016). Развитие негосударственных некоммерческих организаций Узбекистана на примере ассоциации ученых женщин "Олима". *Проблемы современной науки и образования*, (20 (62)), 34-36.

10. Инсопов, А. А. (2015). МЕСТО И РОЛЬ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ОСУЩЕСТВЛЕНИИ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Вестник развития науки и образования*, (4), 21-25.

11. Инсопов, А. А. (2016). Роль женщин в развитие науки: Ассоциация ученых женщин Узбекистана "Олима". In *Научный диалог: вопросы философии, социологии, истории, политологии* (pp. 30-33).

12. Инсопов, А. А. (2014). ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. *Вестник развития науки и образования*, (6), 9-13.